



Тарих китобларида Ислом оламининг хукмдори Хазрати Умарнинг (розияллоху анху) Куддус шахрига кириб боришлари шундай тасвирланган: “Куддусликлар халифангиз келсагина шахарни сизларга топширамиз, дейишади. Хазрати Умар бир туя, бир хизматкор билан Мадинадан Куддусга равона бўладилар.

Адолатли Умар (розияллоху анху) ва хизматкор навбати билан туяга миниб боришади. Улар куддусга яқинлашганларида шахар ахли “халифа келяпти” деб шахар дарвозаси калитларини топшириш учун унинг истикболига чикади. Шу пайтда туяга миниб навбати хизматкорда эди. У туяда, халифа эса пиёда туяни етаклаб кетаётир. Бир жойда халифа Умар сувдан кечиб ўтиш учун почаларини шимариб олади. Энди бир тасаввур қилиб кўринг: Ислом давлатининг бош рахбари яланг оёқ, бош яланг, почалари шимарилган холда Ислом кўшинларига мағлуб бўлган шахарга кириб бораётир. Куддусни камал қилган Ислом кўшинларининг бош қўмондони бу манзарадан хижолат бўлиб, халифага таъна қилди: “Эй Умар, айб бўлади, биз бу холдан уяламиз”. Хазрати Умар шунда унинг кўксига бармоқларини ниқтаб: “Кўзимдан йўқол, агар шу сўзингни олдинроқ айтганингда вазифангдан олиб ташлардим. Иззат – Исломдадир, қилик-қийфатда эмасдир!” дедилар.

Хазрати Умар шахарга киргач, Куддус ва Лудда насронийлари билан имзолаган омонлик ахдномасига (хавфсизлик декларациясига) мувофиқ шахардаги черковлар бузиб ташланмаслиги, мусулмонлар насронийларнинг ибодатхоналарини босиб олмасликлари, уларда ўз ибодатларини ва сугинашларини амалга оширмасликлари қарор қилиниб берди ва бу ахдномага ўзи содиқ қолди”.